

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ - ДАРОМАД МАНБАИ



Расмда агроном-энтомолог Абдуғани Ҳотамкулов "ОВХ" механизатори Олимжон Ҳайитов билан Гулистон туманидаги "Оқ олтин хирмони" фермер хўжалиги даласида

Бугун Сирдарё вилоятидаги 85 минг гектардан ортиқ майдонда ғалла парвариш қилинмоқда, пахтачилик билан шуғулланишга киришган деҳқонларнинг ташвишлари ҳам бир олам. Мирзаобод тумани худудида жойлашган "Бек" кластери таркибидаги корхоналар фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Катта майдонларда иссиқхоналар ташкил этилгани бунга яққол мисол бўла олади. Бозорни сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашнинг яна бир манбаи саналган томорқа хўжаликларида ҳам деҳқончилик манадияти юксалиб бормоқда. Чунки Президентимиз ташаббуслари билан қисқа давр оралиғида ҳар бир туманда томорқа хизмати идоралари ташкил этилди ва улар аҳолининг ўз ихтиёридаги ерлардан янада самарали фойдаланишларида кўмаклашмоқда. Томорқа хизматлари ихтиёрида махсус автомашиналар, уруғлик ва кўчатлар, керакли воситалар савдоси билан шуғулланувчи кичик кўчма дўконлар мавжуд ва яна бу ерда ҳар қандай ўсимлик турлари бўйича етарли ва малакали маслаҳат бера оладиган мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида сирдарёлик томорқа хизмати ходимлари Тошкент вилояти иш тажрибасини, хусусан М-39 катта йўли бўйида жойлашган Чиноз тумани худудидаги "Томорқа хизмати" фаолиятини ҳам атрофлича ўрганиб чиқишди. Бу идоранинг маҳалла фаоллари, тажрибали деҳқону соҳибкорлар билан ҳамкорлиги ҳам йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Бундан ташқари "Сирдарёагрокимёҳимоя"ҲАЖ ва унга тегишли бўлган идоралар мутахассислари томорқа хизматлари фаолиятини янада жонлаштиришга катта эътибор қаратмоқда. ҲАЖ раҳбарлари ташаббуси билан ҳар бир туманда ўсимликларни касаллик ва

ҳашаротлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича махсус семинарлар ташкил этилди. Бу ўқув-тажриба жараёнларида пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган кўп тармоқли фермер хўжаликлари қатори маҳалла фаоллари, ўз томорқасида иссиқхона ташкил этиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори фойда олаётган тадбиркор кишилар иштирок этишди ва тўпланганларга ўз тажрибаларини сўзлаб беришди. Албатта бу жараёнларга биология фанига меҳр қўйган, келажакда ўз тақдирини қишлоқ хўжалиги билан боғлашни ният қилган иқтидорли ёшлар, коллеж ва мактаб битирувчилари ҳам таклиф этилди.

Биз Сирдарё вилоятида бўлганимизда "Сирдарёагрокимёҳимоя"ҲАЖ жамоаси томонидан айтилган кунларда амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик. Маълумотларга қараганда йил бошидаёқ вилоят ҳокимининг ташаббуслари билан 426 та "ОВХ-600" пуркагичлари белгиланган майдонларга тўпланиб, таъмирланган. Пуркагичлар 3-4 тадан гуруҳларга бўлиниб, 100 та отрядларга бириктирилган. Отрядларга агроном-энтомолог мутахассислардан отряд бошлиқлари тайинланган ва уларнинг ҳар бирига 2 нафардан ишчи эритма тайёрловчилар кўмаклашмоқда. Бундан ташқари барча отрядлар зарур жиҳозлар ва тегишли тавсия-қўлланмалар билан таъминланди. Жорий йилда биринчи марта туманлардаги ҳар бир худудга малакали, кўп йиллик тажрибага эга агроном-энтомологлар худуд агрономи вазифасига ишга олинди.

Агроном-энтомологларга барча экинзорларни, томорқа ерларини кузатиб бориш, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган майдонларни аниқлаш, қарши кураш чораларини ташкил этиш вазифаси юклатилди. Айтилган чоғда вилоятдаги 48 та биологическая лабораториялар фаолияти ҳам жонланиб кетган. "Сирдарёагрокимёҳимоя"ҲАЖ раҳбарлари томонидан барча биологическая лабораторияларни керакли жиҳозлар ва талаб этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлашга ҳам катта эътибор берилган. Мақсад намунали хизмат кўрсатиш, таннархни камайтирган ҳолда экологик тоза ва харидоргир, экспортбоп қишлоқ хўжалик нознеъматларини яратиш. Бу ўз-ўзидан тақдирини шу соҳа билан боғлаган барча кишилар даромадининг кўтарилишига хизмат қилади.

Абдунаби Алиқулов